

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 20, 21-моддаларига биноан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № \_\_/3\_\_

Андижон шаҳар

« 28 » март 2022 йил

Биринчи томондан «ANDIJON ENERGOMERA» МЧЖ номидан Низом асосида фаолият курсатувчи жамият директори Ғ. Хошимов (бундан буён матнда «**БАЖАРУВЧИ**» деб номланади) бир томондан ва иккинчи томондан Булокбоши тумани Халқ таълими бўлими (ХЮС номи) номидан ҳаракатланувчи мудар Д.Ахмедов (Ф.И.Ш) (бундан буён матнда «**БҮЮРТМАЧИ**» деб номланади) куйидаги мазмунда шартнома туздик:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 «Бажарувчи» Сув ҳисоблагич ларини сотиш ўрнатиш ҳамда монтаж ишларини амалга оширишни уз зиммасига олади. «Буюртмачи» эса ушбу хизмат учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

| Т.р. | Номи               | Улчов бирлиги | Сони | нархи   | Суммаси         |
|------|--------------------|---------------|------|---------|-----------------|
| 1    | Сув ҳисоблагич Д20 | Дона          | 26   | 1299000 | 33774000        |
| 2    | Сув ҳисоблагич Д15 | Дона          | 7    | 799000  | 5593000         |
| 3    | Сув ҳисоблагич Д25 | Дона          | 8    | 2199000 | 17592000        |
|      |                    |               |      |         |                 |
|      |                    |               |      |         |                 |
|      |                    |               |      |         |                 |
|      |                    |               |      |         | <b>56959000</b> |

1.2 Шартноманинг умумий суммаси **56.959.000** Эллик олти миллион тўққиз юз эллик тўққиз минг сўмни ташкил қилади.

1.3. Хизмат «Буюртмачи» ихтиёрига топширилгунига қадар нархи ўзгарган тақдирда амалдаги нархлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

1.4 Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2004 йилдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисида»ги Низомнинг 9-банди, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йилнинг 25 январидан 880-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 4 январдаги 04-2А-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш тартиби» га биноан тегишли ғазначилик бўлимидан мажбурий рўйхатдан ўтказилиши зарур. Буюртмачи бунинг учун жавобгардир.

1.5 Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланиб тасдиқланган пайтдан бошлаб буюртмачи 10 банк иш куни мобайнида тегишли ғазначилик бўлимига рўйхатга олиш (ҳисобга кўйиш) учун тақдим этиши шарт.

### 2. КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТ СИФАТИ

2.1. «Буюртмачи» буюртмасига асосан кўрсатиладиган хизматнинг сифати «Буюртмачи»нинг талаби даражасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан белгиланган Давлат стандарти ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши лозим.

2.2. «Бажарувчи» томонидан «Буюртмачи» нинг хохишига кўра хизмат сифатига оид ҳужжатларнинг нусхаси тақдим этилиши мумкин.

### 3. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Ҳисоб-китоб «Буюртмачи» билан «Бажарувчи» ўртасида ўзаро келишилган миқдорда амалга оширилади.

3.2. Ушбу шартнома бўйича хизмат суммасининг 30% фоизи миқдорда олдиндан аванс тарикасида тарафлар ўртасида шартнома имзоланиб, муҳр билан тасдиқланган кундан бошлаб 10 (ўн) банк иш кунидан кечиктирмай амалга оширилади. Агар «Буюртмачи» белгиланган муддат ичида олинган аванс тарикасида тўловни амалга оширмаган тақдирда, «Бажарувчи» хизмат кўрсатишни тўхтатиб туришга ҳақли.

3.3. Тўлов тури тарафлар ўртасида ўзаро келишувга кўра нақд пулсиз орқали амалга оширилади. Баъзи ҳолларда тарафларнинг ўзаро розилиги асосида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган тарзда тўлов мажбурияти бошқа мақбул усуларда ҳам бажарилиши мумкин.

3.4. Тўлов муддати 3 ойдан ортамаган муддатга белгиланади. «Буюртмачи» кўрсатилган хизмат «Бажарувчи» дан талаб даражасида айtilган сифатда ҳисоб-фактура асосида расман қабул қилиб олган кундан бошлаб шартнома суммасининг қолган 70 % фоизини 10 (ўн) банк иш кунидан кечиктирмай амалга ошириши шарт.

#### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

- «Буюртмачи» га шартноманинг 1.1-бандида келишилган хизмат турини мазкур шартномага мувофик унинг буюртманомасига биноан белгиланган муддатларда сифат ва ҳажмда кўрсатиш;

- Агар «Буюртмачи» томонидан буюртмада берилган хизмат турини бажариш ва унинг сифатига **10 (ўн)** кун ичида эътироз билдирса, у ҳолда унинг бундай эътирозларини кўриб чиқиб, **5 (беш)** иш куни мобайнида «Буюртмачи» га сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаб бериш;

Ўрнатилган ҳисоблагич ва модемлар 6 ой давомида Буюртмачининг аралашувисиз араяроқсиз ҳолатга келса, далолатнома тузилиб «Бажарувчи» томонидан янгисига алмаштириб бериш.

«Буюртмачи» томонидан нотугри эксплуатация қилиш оқибатида яроқсиз ҳолатга келса, у ҳолда «Буюртмачи»нинг хоҳишига кўра қўшимча пулли хизматлар кўрсатиш (шартномага узгартириш, еки қўшимча киритиш йули билан).

4.2. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

- «Бажарувчи»дан ушбу шартноманинг 1.1-бандида белгиланган хизмат турини белгиланган муддатда ва сифат ҳамда ҳажмда ўз вақтида етказиб берилишини талаб қилиш;

- «Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофик хизмат сифатига ҳамда техникага тааллуқли бўлган мувофиклик сертификатларини ҳамда техник ҳужжатларни такдим этилишини талаб қилиш;

- мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни копланишини «Бажарувчи»дан талаб қилиш;

- шартнома шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича сотувчига ёзма равишда таклифлар киритиш;

4.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

- «Бажарувчи» томонидан кўрсатилган хизмат учун шартномада белгиланган муддат ва тартибда тўловларини муддатидан кечиктирмасдан, зудлик билан амалга ошириш;

- «Бажарувчи» хизмат кўрсатиш бўйича берилган буюртмасида юз берган ўзгаришлар ҳақида хизмат кўрсатишдан олдин энг камида **3 (уч)** кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб қўйиш ҳамда янги буюртмани **1(бир)** иш куни мобайнида сотувчига етказиб бериш;

- берилган буюртмани «Бажарувчи» ни олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда, асоссиз равишда қайтариб олиб, шартномани муддатидан олдин бекор қилиши натижасида «Бажарувчи» га етказилган зарар миқдорини ҳамда ўзаро ҳисоб-қилиш тартиби ва шартларини бузганлиги оқибатида «Бажарувчи» томонидан ҳисобланган жарима ва пеняларни тўлаш;

#### 5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1 Шартнома конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. «Буюртмачи» белгиланган муддатда кўрсатилмаган хизмат, сифати талабга жавоб бермайдиган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақли.

5.4. кўрсатилган хизмат бевосита «Бажарувчи»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича ёки тегишли расмий бухгалтерия ҳужжатлари (ҳисоб-фактура) асосида қабул қилинади.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилган хизмат турини бажариш бевосита «Буюртмачи»нинг буюртмасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномага кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

5.6. «Бажарувчи» илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд хизмат кўрсатиш муддатини санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Буюртмачи»ни хизмат кўрсатишдан камида **10 (ўн)** кун олдин бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ:

6.1. Бир тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлайди.

6.2 Тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда шартнома юридик кучда бўлган даврдаги амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

#### 7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ:

7.1 Агар шартнома тарафларнинг келишувига мувофик ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома дастлаб қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади. Тарафлардан бирининг розилигисиз шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.2 Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома хўжалик судининг қарорига биноан фақат иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузган ёхуд конунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.3 Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартномани тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсалардан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

7.4 Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд шартномада белгиланган **10 (ўн)** кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга такдим этиши мумкин.

7.5 Шартнома ўзгартирилганида тарафларнинг мажбуриятлари ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади. Шартнома бекор қилинганида тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади.



7.6 Шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилинган тақдирда, агар келишувдан ёки шартномани ўзгартириш хусусиятидан бошқача тартиб белгилашмас, тарафлар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга келишган пайтдан бошлаб, шартнома суд тартибида ўзгартирилган ёки бекор қилинганда эса - суднинг шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги қарори қонуний қучга кирган пайтдан бошлаб мажбуриятлар ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

7.7 Агар шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишга тарафлардан бирининг шартномани жиддий бузиши асос бўлган бўлса, иккинчи тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш туфайли етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Юзага келган келишмовчиликлар ва низоли масалалар дастлаб ўзаро тарафларнинг келишуви асосида ҳал этилади. Келишув албатта тарафларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларига ҳамда манфаатларига зарар етказмаслиги шарт.

8.2. Агарда томонлар бундай келишувга келишишга эриша олмаган тақдирда, келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишлари мумкин.

8.3. Ўзаро келишув асосида ҳал этилган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунлар асосида низоли қўриб чиқиш ҳудудий жихатдан тегишли бўлган ҳўжалик судлари орқали ҳал қилинади.

## 9. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Агарда тарафларнинг бири томонидан шартнома шартларини бажара олмағли ёки етказиб берилиши лозим бўлган хизматнинг сифати ва суммаси тўғрисидаги ўзгариш бўлса, олдиндан ўзаро келишувга асосан ўзгартириш қилинади. Бунда, шартнома шартларини ўзгартириш истаги бўлган тараф биринчи навбатда иккинчи тарафни **5(беш)** банк иш қунидан кечиктирмасдан бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

9.2. Форс мижор ҳолатида шартнома бузилса, ўзаро келишиб олинади.

## 10. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

10.1 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан ва ҳудудий Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қучга кириб, **2022- йил 31 декабр**гача амал қилади.

10.2. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг қучли ҳисобланади.

## 11. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОҲЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

«БАЖАРУВЧИ»

Бўйдоққўши Т. ҲБ  
(бюджетдан маблағ олувчини номи)  
Манзил Бўйдоққўши ч. т.  
Тел/факс  
ш/х 100022880032107092400078062  
Банк номи Миррахимов Банк  
х/в 259010030010001010  
МФО 60014 СТИР 200266502  
ОКОНХ  
Ғазначилик бўлимаси номи:  
Бўйдоққўши Т.  
Ғазна х/в  
Банк номи Миррахимов Банк

«ANDIJON ENERGOMERA» МЧЖ  
Андижон ш. Соғ қўча 78 уй  
Асака банк Андижон филиали  
х/р 20208 000 300 584 192 001  
ИНН 303 785 137  
МФО 00069  
Тел:  
99893 410 68 88  
99890 545 74 44

МФО 60014  
Ғазначили бўлимаси СТИР: 29642936

Директор:

М.У

(Имзо)

Рахбар:

Ғ. Хошимов



ЮРИДИК ХУДОСА

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тузилган.

ЮРИСТ КОНСУЛЬТ: \_\_\_\_\_

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA  
№ VL8214354802**

1. Loyihaning turi

**SHARTNOMA**

2. Loyihaning nomi

**Xizmat ko`rsatish shartnomasi**

“Buyurtmachi” deb yuritiluvchi Buloqboshi tuman Xalq ta’limi bo’limi nomidan xarakatdagi Nizomi asosida ish yurituvchi boshliq G.Toshtanova bir tomondan, va ikkinchi tomondan “Bajaruvchi” deb yuritiluvchi “ANDIJON ENERGOMERA” MChJ harakatdagi Nizomi asosida ish yurituvchi G`.Xoshimov.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot.

**Buloqboshi tuman Xalq ta’limi bo’limi 24.03.2022y.**

Loyiha: O‘zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni imzolash mumkin.

**2022-yil “28” mart**

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**F.R.Madaminov**